*Маслаҳат*

## Мақбул муддат ва усуллар

***Чеканка қилиш – чилпиш тупроқ унумдорлигига боғлиқ.***

Масалан, унумдорлиги паст ерларда ғўзада 11-12 та, тупроқ унумдорлиги ўрта ерларда 12-13 та, унумдорлиги баланд минтақаларда 13-14 та ҳосил шохи пайдо бўлганда ўтказиш энг мақбул муддат ҳисобланади. Зеро, ғўза ўз вақтида ва сифатли чилпилганда, кўсакларнинг пишиб етилиши 7-10 кунга тезлашиб, ҳосилдорлик гектарига 2-3 центнерга ошади. Чилпиш муддатидан кечиктирилса ёки сифатсиз ўтказилса, ғўзадаги гул ва тугунчаларнинг бир қисми тўкилиб, ҳосил пишиши кечикади. Чилпиш асосан қўлда ва механизациялашган усулда ўтказилади. Сўнгги йилларда кимёвий йўл билан чилпиш ҳам жорий этилмоқда.

Қўлда ўтказилганда фақат ўсув нуқтасини чилпиб олишга эришишга алоҳида эътибор бериш керак. Юлиб олинган қисм эса дала четига кўмилиши шарт. Бу кўсак қуртини маълум даражада йўқотишни таъминлайди.

Механизмлар ёрдамида чилпишда "ЧВХ-4Б" ва "ЧХУ-4" мосламаларидан фойдаланилади. Чеканкага мўлжалланган "ЧВХ-3,6" мосламалар "Т-28Х4" ва "ЧХТ-4Б" "МТЗ-80Х" тракторларига осиб ишлатилади. Иккинчи марта чилпиш 7-8 кундан кейин ўтказилади. Дарвоқе, агрегат ғўза баландлигига қараб ўрнатилиб, чилпиш мосламалари ва трактор ғилдираклари махсус материаллар билан ўраб қўйилиши шарт. Йўқса, ғўзадаги кўсаклар тўкилиб кетади. Яна бир масала: чеканкани охирги культивация ёки жўяк олиш билан ўтказилса, трактор харажатини камайтиради.

Чилпиш кимёвий усулда ўтказиладиган майдонларда ПИКС ва УСТИКС препаратлари 1,0-1,5 л/га меъёрда юқорида қайд қилинган муддатлардан 7-10 кун олдин сепилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

**Р.НАЗАРОВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари доктори.**

# Илм истаганга имконият бор

***Яккабоғ қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи мамлакатдаги нуфузли таълим масканларидан бири бўлиб, у 1936 йилдан фаолият кўрсатиб келаётир. 2005 йилда 700дан ортиқ ўқувчига мўлжалланган коллеж биноси тубдан қайта таъмирланди.***

Таълим муассасасида 64 нафар ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Улардан 2 нафари олий тоифали, 22 нафари 1-тоифали, 14 нафари 2-тоифали ва 26 нафари олий маълумотли ўқитувчилардир.

Коллежда 10 йўналиш бўйича 722 ўқувчи таҳсил олмоқда. Ўқувчиларнинг ўқув режаси ва дастурларда кўзда тутилган касб-ҳунарни чуқур эгаллашлари учун таълим муассасасининг ўқув-моддий базасини жиҳозлаш ва улардан фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш муҳимдир.



Коллеж ўқув-моддий базасининг такомиллашишида Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредити муҳим аҳамият касб этди. Мазкур лойиҳа бўйича умумий қиймати 1 миллиард сўмлик жиҳозлар олиниб, химия, физика лабораториялари, биология, астрономия, география, лингофон хонаси, компьютер синфи, трактор ва автомобиллар, қишлоқ хўжалик машиналари жиҳозлари, биохимия, ўсимликшунослик, агрономия лабораториялари, автомобилни бошқаришни ўргатиш бўйича симулятор-тренажер синфи, чилангарлик, пайвандлаш, мелиоратив техникаларга техник хизмат кўрсатиш устахоналари тўлиқ жиҳозланди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқилган ҳолда ўқувчиларга ўқув режасида кўзда тутилган бир ёки бир неча ихтисосликлар берилишини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда ўқув амалиётлари ва амалий таълимнинг бошқа турларини мукаммал ташкил этиш ва ўтказиш, эгалланаётган ихтисосликлар бўйича ўқувчилар кўникма ва малакаларини чуқурлаштириш муҳандис-педагогларнинг зиммасига юклатилгандир.

Ўқувчиларга тракторчи, В тоифа автомобил бошқарувчиси, чилангар, пайвандчи, фермер, ўсимликшунос, фермер чорвадор, молиячи, бухгалтер ихтисосликлари берилиши уларнинг ишга жойлашишларида қўл келди.

2004 йилда 38 ўқувчига "В" тоифа автомобил ҳайдовчиси, 12 тракторчи, 40 чилангар ихтисосликлари берилган бўлса, 2005 йилда 41 ўқувчига "В" тоифа автомобил ҳайдовчиси, 24 тасига тракторчи, 76 тасига чилангар ихтисосликлари берилди.

Ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналиши, даражаси ва миқёсини шакллантиришини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик қилиш, ҳамкорлик шартномаларини тузиш фаолиятимизда асосий ўрин тутади. Шу мақсадда коллежда мутахассислар тайёрлов йўналишлари бўйича Яккабоғ туман қишлоқ хўжалик бошқармаси, Яккабоғ тумани машина-трактор парклари давлат акциядорлик жамиятлари, Яккабоғ тумани фермерлар уюшмаси, Яккабоғ туман автокорхоналари билан кадрлар тайёрлаш бўйича Маркетинг хизмати юритилиб, уларда тайёрланадиган кадрларга бўлган талаб бўйича 2010 йилгача ҳамкорлик шартномалари тузилган. Бундай ҳамкорлик ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этишда, ўқувчиларга ўқув режасида кўзда тутилган ихтисосликлари берилишида ўз самарасини бермоқда.



Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилгандир. Коллежда ўқитувчилар ва муҳандис-педагоглар малакасини ошириш режаси ҳар йили 100 фоизга бажарилиб келинмоқда. Бундан ташқари, ўқув юртида доимий ҳаракатдаги малака ошириш курси яхши йўлга қўйилган.

*Таълим*

Ёш ўқитувчилар мактаби ташкил этилиб, мунтазам равишда фаолият кўрсатмоқда. Таълим муассасасининг услубчиси Ҳ.Қурбонов, информатика ўқитувчиси А.Эргашевлар Австралияда, махсус фан ўқитувчиси Т.Махматқулов Германияда ўз малакаларини оширганлар.

Коллежда таълим-тарбиянинг такомиллаштирилиши, педагогик жамоанинг илмий салоҳиятини оширишда мамлакатимизнинг қатор олий ўқув юртлари билан ҳамкорлиги ҳам ўз ижобий самарасини бермоқда. Коллеж ўқув бўлими, фан кафедраларининг олий ўқув юртларининг кафедралари билан яқиндан ҳамкорликлари эвазига коллеж ўқитувчилари томонидан яратилаётган ўқув дастурлари, услубий қўлланмалар, маъруза матнлари ва таянч конспектларининг илмийлик даражаси ўсмоқда. Ўқитувчиларимиз мазкур кафедраларда малакаларини оширмоқдалар. Олийгоҳлар тавсиялари ва йўлланмалари билан ёш муҳандис-педагоглар ва мутахассислар ишга қабул қилинмоқда.

Айни пайтда коллежда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти, Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти, Қарши агроиқтисодиёт институтларининг 6 та фан кафедралари фаолият кўрсатади.

Умуман олганда, таълим соҳасида узоқ муддат давомида меҳнат қилаётган тажрибали етук мутахассислар ва фидойи ёшлардан шаклланган педагогик жамоамиз ўқув юртимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб бормоқдалар. Шу билан бирга, жамоамиз олдида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида иш берувчилар талабига мос малакали касб эгаларини тайёрлашни янада такомиллаштириш ва таълим сифатини юқори кўрсаткичларга кўтариш каби эзгу мақсадлар турибди.

**Собир АРИПОВ,**
**Яккабоғ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори.**




## Синовлардан мақсад нима?

***Шимолий Корея турли масофага учувчи баллистик жанговар ракеталар синовини ўтказди.***



Айрим маълумотларга кўра, 11 дан зиёд кичик, ўрта ва узоқ радиусга парвоз этувчи ракеталар синовдан ўтказилган. Ушбу ракеталарнинг биттаси техник носозликлар туфайли Япон денгизининг шимоли-ғарбий қисмига қулаб тушган. Яна бир ракета Владивостокнинг жанубий ҳудудига қулаган. Шимолий Корея "Taepodong-2" русумли баллистик ракеталарни синаш билан дунё ҳамжамиятида кескин норозиликларга дучор бўлди. Кўпгина давлатлар БМТдан бу воқеалардан сўнг расмий Пхеньянга иқтисодий санкция қўлланилишини талаб этган.

Шимолий Корея 6700 километр масофага ҳаракат қилувчи "Таэподонг-2" ракеталаридан яна 4 тасини яқин кунларда парвоз эттиришни маълум қилмоқда. Пхеньян расмийларининг таъкидлашича, бу синовлар кимнидир қўрқитиш эмас, балки ядровий салоҳиятни текшириб кўришдир.

## Разведканинг бўлим раҳбари қамоқда

***Италия ҳарбий разведкасининг биринчи бўлими раҳбари Марко Манчини қамоққа олинди. Разведканинг ушбу бўлими террорчи ташкилотларга қарши курашиш билан шуғулланади.***



Манчини АҚШ марказий разведка бошқармаси (МРБ) томонидан террорчиликда гумон қилинган ЕИ давлатлари фуқароларини ўғирлашда иштирок этганликда айбланмоқда. МРБнинг Европа ҳудудида амалга оширган ноқонуний ҳаракатларида ҳамкорлик қилган юқори мансабли шахслар орасида Манчини биринчи қамоққа олинган одам ҳисобланмоқда.

Европарламент аъзоси Клаудио Фава баёнотига кўра, МРБнинг террорчиликда гумондор одамларни ўғирлаши ва уларни яширин қамоқхоналарда азобга дучор қилишида ёрдам берган давлат хизматчиларининг рўйхати жуда узун.

## Ғазодаги нотинч кунлар

***Исроил ҳаво кучлари Ғазо секторидаги Жабалия қочқинлар лагерига ракета зарбаларини берди.***



ЦАХАЛ қўмондонлигининг билдиришича, зарба марказида портлатиш моддаларини тайёрлаётган бир гуруҳ фаластинликлар бўлган. Ҳужумлар оқибатида бир нафар одам ҳалок бўлиб, 7 нафари жароҳатланган. Ҳалок бўлган шахс тинч аҳоли вакили эканлигини айтилмоқда. Исроиллик ҳарбий хизматчи Гилад Шалитнинг фаластинлик жангарилар томонидан ўғирлаб кетилишига жавобан Исроил армияси 9 кундан буён Ғазода махсус амалиёт ўтказиб келмоқда. Ҳарбийнинг озодлиги эвазига жангариларнинг Исроил қамоқхоналаридан фаластинлик маҳбусларни қўйиб юбориш талабини Исроил ҳукумати инкор этиб келмоқда.

## "Жанг"да гугуртлар қатнашади

***АҚШ террорчиларни қўлга олишда оддий гугурт қутиларидан фойдаланади. Американинг Покистондаги элчихонаси "Ал-Қоида"нинг қидирувдаги аъзолари сурати туширилган гугурт қутиларини намойиш этди.***



Қутиларнинг орқа томонига террорчиларнинг яширинган жойи ҳақида маълумот бериш учун зарур бўладиган телефон рақамлар ва электрон почта номи кўрсатилган. Бундан ташқари, элчихона вакиллари қидирувдаги террорчилар тўғрисида аниқ маълумот берганлар 5 миллион доллар миқдоридаги пул билан мукофотланиши ва АҚШ ҳудудидан хавфсизлик нуқтаи назаридан бошпана берилишини маълум қилишди.

## Қашшоқлик барҳам топади

***Ҳиндистон 2020 йилга қадар мамлакатдаги қашшоқликка бутунлай барҳам беради.***

Мамлакат президенти Абдул Калам шу ҳақда маълум қилди. "Бунинг учун бизда имкониятлар ҳам, ҳаракатлар ҳам бор", дейди президент. Мутахассислар фикрига кўра, бу башоратлар ўринлидир. 1995 йилда Ҳиндистон аҳолисининг 50 фоизи қашшоқлик чегарасига келиб қолган эди. Айни дамда бу кўрсаткич 21 фоизга (260 миллион киши) тушган. Ялпи ички ишлаб чиқариш охирги 5 йил ичида 8 фоиздан 10 фоизгача кўтарилган. Энг асосийси, Ҳиндистон аҳолисининг 50 фоиздан юқорисини ёшлар ташкил этади.

## "Қора олтин" қимматлашмоқда

***Нью-Йорк товар биржасида нефт баҳоси рекорд даражада кўтарилиб кетди.***



Биржа савдоларида бир баррел нефтнинг нархи 75,40 долларгача етган. Мутахассислар фикрига кўра, қора олтиннинг нархи бу қадар ошиб кетишига Шимолий Кореянинг баллистик ракеталарни синовдан ўтказиши сабаб бўлган. Айрим тахминларга кўра, бу синовлар туфайли юзага келган таҳликалар дунё бозорларидаги нефтга бўлган талаб ва унинг нархининг кўтарилиб кетишига олиб келиши мумкин.

**INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.**

# Бир шохли алқор

***– Йилқиларни доимо кузатиб юр, қулунларни бўрилар нобуд қилмасин, – уқтирди Сажин бобо Эшонқул мерганга.***
***– Хўп, ота!***

Кўклам пайтида йилқилар қулунлай бошлади. Бу паллада Эшонқул йилқиларни кузатар, уюр орқасидан кун бўйи юрарди. Ана шундай кунларнинг бирида Эшонқул Оқтоғ этагидаги Эгизқир бағрида кўнгилсиз бир воқеанинг гувоҳи бўлди. Қашқа бия шу ерда қулунлабди. Бўрилар галаси биянинг кўз ўнгида қулунни тилкалаб еб қўйган. Бу шафқатсизликка чидай олмаган Қашқа жон-жаҳди билан бўриларга ташланибди. Бўрилар биянинг тўрт томонидан ўраб олиб, унга ҳужум бошлабди. Бири отнинг думидан тортса, иккинчиси унинг бўйнини ўткир тишлари билан тилиб ташлайди. Мадорсизланган Қашқа ҳам бўрилар галасига ем бўлибди.

Қулун ва Қашқанинг бош ва сон суяклари ҳар ер-ҳар ерда сочилиб ётарди. Бу ваҳшийликни кўрган Эшонқул турган жойида қотиб қолди.

Ўша йили қиш оғир келди. Қалин қор тоғу тошларни кўмиб ташлади. Чорва моллари бостирмаларда қамалиб қолди, чўпонларнинг ташвиши ортди. Туман раҳбарлари Эшонқулни Зулқайнар қишлоғида учратиб:

– Чўпонларни қўйлар кушандасидан халос эт, – дейишди.

Икки кун олдин бўрилар қишлоқ биқинидаги отарга бориб, юзтача қўйни бўғизлаб ташлаганди. Эшонқул қишда Зулқайнарда яшаб, йилқиларини боқиб юрди. Баъзида қор кечиб бўри изларига тушди. У Мингиш деган жойга қош қорайганда етиб келди. Ўша ерда ўн уч бўри бир отни қувиб келарди.

Эшонқул ўзини панага олиб, бешотар милтиғи билан қашқирни мўлжаллади. Бўрилар сой томонга қуйилиб келганида, нишонни олиб тепкини босди. Учта бўри ингграб-инграб, қор кўрпасида қон изларини қолдириб, йигирма-ўттиз қадамдан сўнг йиқилди. Яна ва яна тепкини босди. От эса тоғ томонга кетди. Тирик қолган бўриларнинг бештаси эсхонасини йўқотгандек кўздан ғойиб бўлишди.

Камарда бўри уяси бор эди. У плашини ечиб, буталардан бирининг устига ташлади-да, қинидан пичоғини олиб, ин оғзига келди. Бироз кутди. Заҳ, бадбўй ҳид димоғига урилди. Ин тубсизга ўхшарди. Ҳеч қандай шарпа қулоғига чалинмади. Энгашиб секин-аста бўри инига кириб борди. Қоронғиликда етти-саккиз метр пайпаслаб юрди. Юқорида чироққа ўхшаган шуъла кўринди. Эти жимирлаб кетди. Бир зум нафас олмай, диққатини олдинга қадади. Она бўри узала тушиб ётибди. Тўққизта боласи онасини эмарди. Эҳтиёткорлик билан илгарилай бошлади.



*Синоат*

Она бўри уйғонмади. Бўричалар кучукчадай бўлгани учун бир-бири билан талашиб, рақибни пайқамай қолишди. Эшонқул она бўрининг эмчагидан еттита боласини бир-бир тортиб олди. Она бўри хавфни сезди-ю, кўзлари ёниб, рақибига ташланди. Овчининг кўкрагига тишларини қадади. У саросимада бўрини аввал қучоқлаб олди, сўнгра ўзини ўнглаб, чап қўли билан унинг кекирдагини маҳкам сиқди. Бўри болалари ўзларини уянинг чеккасига олишди. Она бўри ваҳимали ириллар, кўзларига қон тепган эди. Овчи бўрининг томоғини тобора қўли билан қаттиқ сиқа бошлади. Бармоқлари карахтланди. Юз-кўзлари оша қайноқ тер оқиб тушарди. Она бўри тобора телбалана бошлади. Эшонқулнинг қўли қақшади. Ўнг қўлидаги пичоқни сопидан маҳкам ушлаганча бўрининг қорнига суқди-ю, куч билан ўзига тортди. Зарбга бардош беролмаган йиртқич тирноқлари билан рақибининг кўкрагини тилиб ташлади. Пахталик кийимларининг увадаси чиқди. Бўрининг танасидан қон оқди. Кўзлари хиралашди, сўнг ерга ағдарилди. Тез-тез нафас олди, хириллади. Ниҳоят жони узилди. Овчи бўрининг орқа оёғидан судраб ташқарига чиқди. Болаларини тириклай туман тайёрлов идорасига топширди...

...Боболаримиз: "Овинг икки мингдан ошса, бир сир кўрасан", деб айтишаркан. Бу ҳикматнинг ҳаётийлигига Эшонқул уруш йиллари амин бўлди. У Лангар тоғида йилқиларни ўтлатиб юрганида иккита алқор жангининг гувоҳи бўлди. Тоғ чўққисида алқорлар эллик-олтмиш қадам чамаси икки томонга тисарилиб, кейин шиддат билан чопиб келиб, бир-бирига яқинлашгач, чамбар шохларини чарсиллатиб уриб юборарди. Бу ҳолат бир неча бор такрорланди. Ниҳоят, ўнг қанотдаги алқор рақибини ҳолдан тойдирди шекилли, сўнгги тўқнашувларнинг бирида уни пастликка улоқтириб, ҳеч нарса бўлмагандек нари кетди.

Эшонқул алқор қулаган жарлик томон шошилди. Буталар панасида кўзлари олайган алқор қонга беланиб ётарди. Овчи жароҳатланган алқорни кўздан кечирар экан, унинг бир шохли эканлигидан ҳайратланиб қолди. "Ё раб, бу қандай гап, бир шохли алқор бўларкан-да? Шохи ҳам синган эмас". У типирчилаётган алқорни хуржунга солиб, отига ортди ва уйига жўнади.

Бўлган воқеадан отасини огоҳ этди.

– Эҳ, ўғлим, сирли ишга дуч келибсан, шу овингни қўйсанг ҳам бўларди, – деди куюниб отаси.

Оилаларида уч кун аллақандай хавфни кутиб туришди. Унинг отаси шу алқор туфайли бир нарса рўй беришига қаттиқ ишонарди. "Эшонқул ё ўлади, ё худо унга узоқ умр бериши керак", дерди. Кунлар хатарсиз ўтди. Сўнг қувонган ота қишлоққа ош тортди...



**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ**

*Тиниб-тинчимаган одамлар*

**Яқинда Кубан ўлкасидаги Ахтир қишлоғи аҳолиси чинакам техника мўъжизасининг гувоҳи бўлдилар. Қишлоқ кўчасидан ўтиб бораётган трактордан одатдагидек мой эмас, ёғда пиширилган... бўғирсоқ ҳиди анқирди. Бу антиқа тракторни шу қишлоқнинг қўли гул устаси, истеъфодаги капитан Николай Тоскин кашф этди. Трактор двигателининг ажойиб хусусияти шундаки, у ёнилғининг хилма-хил турлари, жумладан, пахта ёғида ҳам юраверади.**

# Трактор... пахта ёғида юради



Ихтирочи ўз кашфиётини рўёбга чиқариш учун роса йигирма йил бош қотирди. Бу ўй унинг хаёлига ёнилғи қуйиш шохобчасидан автомашинасига бензин қуйиш чоғида келиб қолган эди. Ўшанда бензин нархи яна ошганини кўриб:

– Эҳ, қанийди, машинангга дуч келган ёнилғини қуйсанг-у, юриб кетаверса, – дея орзу қилганди у. – Масалан, рапс ёғи қуясанми, кунгабоқар ёғими, фарқи бўлмаса...

Орзуга айб йўқ, дейдилар. Шундан сўнг у кутубхонама-кутубхона юриб, техникага доир китобларни мутолаа қилишга киришиб кетди. Маълум бўлишича, бу ғоя фақат унинг миясига келмаган экан. Бу техникавий жумбоқ билан АҚШ, Англия ва Германия илмий-тадқиқот институтлари бир неча ўн йиллардан бери шуғулланиб келишаётган, бироқ муаммони ҳал этиш йўлини топишолмаётган экан. Чунки, ёнилғининг ҳар бир тури маълум бир температурадагина алангаланади.

– Бунда ҳар бир автомобил эгасига яхши таниш бўлган, ҳатто уни ёқтирмайдиган детонация ҳодисасидан фойдалансак бўлмасмикин? – дея ўйга толди Николай Тоскин. Бинобарин, эски "Нива" автомобили эгаси сифатида у бу нохуш жараённи кўп марта кузатган, мотор ўчирилган тақдирда ҳам ичидаги "портлаш" – детонация жараёни туфайли ўжарлик билан юриб туришини кўрган эди. Николай автомобилсозликда "инқилоб" ясаш учун айнан мана шу жараённи жиловлашга аҳд қилди. Унинг ҳисоб-китобларига кўра, бу жараёнда ёнилғининг алангаланиш тезлиги одатдаги двигателникидан юз бараварча ортар экан. Бундай шароитда ҳар қандай ёнилғи ёниши мумкин.

1995 йил Николай Тоскин ўзининг ҳисоб-китоблари ва мулоҳазаларини тақдим этиш учун Москвадаги патентлаш экспертиза илмий-тадқиқот институтига йўл олади. Бахтли тасодифни қарангки, йўлда йирик мутахассис олим – Бауман номидаги Москва давлат техника институтининг термодинамика кафедраси ходими Владимир Михайлов билан танишиб қолади ва у билан ички ёнув двигателларининг ҳаракат принциплари, детонация жараёни ҳақида бир неча соат суҳбатлашади. Бу учрашув ундаги ишончни мустаҳкамлайди. Шундан сўнг ихтиросини рўйхатга олиш ҳақида ариза беради. Синчиклаб ўтказилган уч йиллик экспертизадан сўнг Н.Тоскин мутлақо янги хилдаги ички ёнув двигатели кашф этгани ҳақида патент олди.

Бу янгиликнинг илк одими эди. Ихтирони амалда синаб кўриш учун яна бир йил қаттиқ тер тўкиб ишлашга тўғри келди. Ихтирочига қишлоқдаги маслакдош дўстлари, фарзандлари яқиндан кўмаклашдилар. Уларнинг ёрдамида қишлоқдаги гаражлардан бири нақ конструкторлик бюросига айлантирилди. Шогирдларидан бешовининг ёши ҳали йигирма билан ўттизнинг ўртасида. Улар ўз ҳамёнларидан пул йиғиб, эски "Т-34" тракторини сотиб олдилар ва унинг двигателини модернизация қилиб, ўсимлик мойида ҳам юра олишини амалда синаб кўрмоқчи бўлдилар. Ихтирочиларнинг ишга шўнғиб кетганидан рафиқалари хафа бўлмадилар. "Пивохонада ўралашиб юргандан кўра, шу ерда иш билан машғул бўлишгани маъқул", дейишди улар.

Детонация жараёнларига оид чизмаларни ғарбдаги илмий-текшириш институтлари замонавий компьютерларда бажарадилар, бу ерда эса айрим деталларнинг чизмалари бетон полга чизилиб, зарур ашёлар сотиб олинар, кейин фрезерчига буюртма берилар эди. Янги двигател ниҳоятда содда, кўримсизгина ҳолда дунёга келди. Одатдаги дизелдан фарқи – унда на форсунка, на тирсакли вал бор. Ёнилғи насосига ҳам эҳтиёж йўқ, чунки у ёнилғининг ўз-ўзидан алангаланиш усулида ишлайди. Ихтирочиларнинг энг катта муваффақияти — цилиндрдан ташқарида ҳосил қилувчи камбағаллашган ёнилғи-ҳаво аралашмасидан фойдаланишдир. Одатдаги двигателларда бир ҳисса ёнилғига 15 ҳисса ҳаво аралаштирилади, бунда эса бошқача нисбатни, масалан, бир ҳисса ёнилғига 50 ҳисса ҳавони аралаштириш мумкин. Ростлаш махсус дастак орқали амалга оширилади.

–Янги двигателни яратганимизда, унинг бирдан юриб кетишига ишонмагандик, – дейди Николай Тоскин. – У ўт олганида ҳаммамиз қўрқиб кетиб, жон ҳолатда гараждан қочиб чиққанмиз. Айланиш тезлиги шу қадар катта эдики, унинг зарбидан тракторимиз парча-парча бўлиб кетади, деб ўйлаганмиз. Бироздан сўнг ўзимизни қўлга олиб, унга яқинлашдик ва кунгабоқар мойини қуйиб, тракторни қишлоқ кўчасига ҳайдаб чиқдик. Кейинчалик двигателга спирт, ацетон, эритувчи суюқлик, хуллас, ёнадиган нимаики бўлса, ҳаммасидан, жумладан, ишлатилган мой, газолин ҳам қуйиб кўрдик. Барчасида юраверди!

Кубанлик ихтирочиларнинг фикрича, бундай двигателларни нафақат автомобилларга, балки ҳар қандай техника воситаларига ўрнатиш мумкин. Ҳозир ихтирочилар ҳомийлар кўмагини кутиб ўтирмасдан, ўз кучлари билан заводда двигателнинг янги – турбинали, дисксифат намуналари учун қисмлар қуйишмоқда. Бу двигателларда ҳам тирсакли вал, шатун деган қисмлар бўлмайди.

Шуни айтадилар-да, тиниб-тинчимаган одамлар, деб...

**Хориж матбуоти материаллари асосида Н.ШАКАРОВ тайёрлади.**

ООО "HUA LU", расположенное по адресу г.Ташкент, Южная промзона ул.Набережная, намерена приобрести акции простые именные безналичные в количестве 41704, что составляет 25 % от Уставного фонда ОАО "ПИЛЛА", расположенное по адресу г.Андижан, ул.Мухитдинова 79.

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за № 1127-1 от 18.04.2005 г. ООО "USDIAL" расположенное по адресу г.Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, пл.Х.Олимджана, Бизнес комплекс "Пойтахт" западная сторона, второй этаж блок "Б" сообщает о намерении приобретения акция простых именных безналичных эмитента, АО "УзБМЗ" Таш.обл. расположенного по адресу Ташкентский район, пос.Михайловский. Кол-во приобретаемых акций – 6735.

Тип приобретаемых акций – простая именная безналичная.

Процент приобретаемых акций – 30 % от Уставного фонда.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 72-ихтисослаштирилган мактаб томонидан 2006 йили Атахўжаева Зилолахон Мусахажаевна номига берилган O'R-SH № 0478051 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 91-ўрта мактаб томонидан 2005 йили Туляганова Ширин Хакимовна номига берилган O'R-SH № 0184586 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянное свидетельство Б № 599808 о восьмиклассном образовании, выданное в 1990 г. средней школой № 2 Сергелийского района г.Ташкента на имя Гонтаровой Ольгы Викторовны, считать недействительным.

Утерянный диплом ФВ № 985663, выданный 1991 г. Ташкентским педагогическим институтом им.Низами на имя Каржанбаевой Замиры Анарбаевны, считать недействительным.

ЧП "MILLENIUM-FUTO" (код по ОКПО 20350015) зарегистрированное 23.08.2005 г. за № 1374-10 Хокимиятом Юнусабадского района г.Ташкента объявляет о смене собственника. Тел.: 189-92-52, 76-84-50.

Утерянный гос.ордер № 08-02/4837 от 24.12.1992 г. права собственности Шишорина Маргарита Прокофьевна на квартиру, считать недействительным.

Судлар Департаментининг Тошкент вилоят ҳудуди бўлими томонидан 7 август 2006 йил соат 11-00 да кимошди савдоси ўтказилади. Кимошди савдосида қарздор Янгийўл 2-ТМКК корхонасига тегишли бўлган қуйидаги техника ва автотранспорт қўйилган:

1973 йилда ишлаб чиқарилган Трактор К-701, носоз ҳолда, бошланғич нархи—1.800.000 сўм.

1988 йилда ишлаб чиқарилган Экскаватор ЭО-4112, носоз ҳолда, бошланғич нархи—2.200.000 сўм.

1989 йилда ишлаб чиқарилган Экскаватор ЭО-2621, носоз ҳолда, бошланғич нархи—2.100.000 сўм.

1991 йилда ишлаб чиқарилган Экскаватор ЭО-652, носоз ҳолда, бошланғич нархи—1.500.000 сўм.

1991 йилда ишлаб чиқарилган Экскаватор ЭО-3211, носоз ҳолда, бошланғич нархи—2.100.000 сўм.

1991 йилда ишлаб чиқарилган Бульдозер ДЗ-171, носоз ҳолда, бошланғич нархи—2.100.000 сўм.

1987 йилда ишлаб чиқарилган Трактор Т-28 х 4, носоз ҳолда, бошланғич нархи—600.000 сўм.

1986 йилда ишлаб чиқарилган Татра УДС-114, носоз ҳолда, бошланғич нархи—2.800.000 сўм.

Аризаларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига уч кун қолганда тўхтатилади. Кимошди савдосида қатнашиш учун бошланғич нархдан келиб чиққан ҳолда 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда депозит ҳисоб рақамига ўтказилади.

Утерянный гос.ордер № 08-05/797 от 03.11.1993 г. права собственности Олифиренко Александр Павлович на квартиру, считать недействительным.

# Экотуризм – гўзалликка чорлов



(Боши 1-бетда)

Экотуризмнинг фойдаси — бошқа турдаги туризмга нисбатан камроқ сарф-харажатларни талаб этади.

Экотуристлар – пиёда саёҳат, ҳайвон ва қушларни кузатиш, кино ва фотосъёмка қилиш, экосафар, тоғларга саёҳат, альпинизм, балиқ овлаш, ботаник экскурсиялар, археологик ва палеонтологик туризм, спелеотуризм каби фаолиятлар билан шуғулланишади. Экосайёҳларнинг талабларини қондириш учун эса юртимизда етарли имкониятлар бор.

Ўзбекистоннинг сайёҳларни ўзига жалб этувчи омилларидан бири – унинг ландшафти, ҳайвонот ва ўсимликларга бой бетакрор табиатидир. Шунингдек, республикамизнинг табиий иқлим шароити рекреациянинг муҳим омилларидан биридир, чунки март ойидан октябр ойигача сақланиб турадиган иқлим шароитлар дам олиш ва экотуризмни ривожлантириш учун жуда қулай.

Ўзбекистоннинг Угам, Чирчиқ, Пскем каби дарёларидан экотуризмнинг сув спортининг турларида фойдаланиш мумкин. Оммавий туризмнинг марказлари Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари бўлиб қолаверади.

Экотуризмни ривожлантиришда қўриқланадиган табиий ҳудудлар катта экотуристик салоҳият касб этади. Чотқол, Зомин, Нурота, Ҳисор ва бошқа қўриқхоналар, Угам – Чотқол миллий боғи, "Жайрон" экомаркази, Амударё тўқайлари ҳам бой имкониятларга эга бўлиб, ҳар қандай сайёҳ кўришни орзу қилса бўладиган масканлардир.

Ушбу туристик имкониятларни ҳисобга олиб, чет эл сайёҳларини Ўзбекистонга, умуман, Марказий Осиёга жалб қилиш мақсадида "ЭКОСАН" халқаро







ташкилоти қошида Халқаро экотуризм маркази — "ЭКОСАН-ТУР" ташкил қилинди ва у бугунги кунда фаолият кўрсатмоқда. Марказ томонидан мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб кўплаб қизиқарли экотуристик йўналишлар ишлаб чиқилган. Масалан, чанғида, яёв, отда, туяда сафарлар ва альпинизм каби саёҳатларни уюштиради. Марказнинг экотуристик сафарлари давомида иштирокчилар Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, ландшафтлар бойлиги, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан танишиб қолмасдан, маҳаллий аҳолининг анъанавий турмуш тарзидан ҳам яқиндан бохабар бўлишади.

"ЭКОСАН" халқаро ташкилоти ва "ЭКОСАН-ТУР" халқаро



экологик туризм маркази экотуризм соҳасини ривожлантириш мақсадида сайёҳлик жараёни иштирокчилари, жумладан, маҳаллий турфирма ҳамда компаниялар ва улар билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш билдираётган хорижий ташкилотлар билан алоқа ўрнатмоқда.

Шу муносабат билан "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти, "Ўзбектуризм" миллий компанияси, "ЭКОСАН-ТУР" халқаро экологик туризм маркази "Экологик туризм куни" тадбирини, "Экологик туризм ва барқарор ривожланиш", "Ўзбекистоннинг экотуристик салоҳияти", "Ўзбекистоннинг муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш" мавзуларида конференция ва учрашувлар ўтказиб келмоқда. Ушбу анжуманларда мазкур соҳадаги муаммоли масалалар кўтарилиб, экологик туризм саноатини ривожлантириш юзасидан, маҳаллий аҳолининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятини жадаллаштириш, табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш бошқарувини такомиллаштириш ва бунинг учун экологик туризмни ривожлантириш ҳамда Тошкент халқаро туристик ярмаркалари иштирокчиларини Ўзбекистоннинг экотуристик салоҳияти билан таништириш ва бунинг асосида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий сайёҳларни Ўзбекистонга жалб этиш, аҳолини иш жойлари билан таъминлашни такомиллаштириш масалалари бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва



сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришдаги жиддий камчиликлар, хусусан, бандликни ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг истиқболли манбаи сифатида хизмат кўрсатиш ва сервис имкониятларидан кам фойдаланилаётганлиги тўғрисида таъкидланган эди.

"ЭКОСАН" халқаро ташкилотининг 2006-2010 йилларда экотуризмнинг хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури" ишлаб чиқилди. Дастурнинг асосий мақсадлари – экотуризмни ривожлантириш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва бошқа экотуризм объектларининг моддий-техника базасини ривожлантириш учун қўшимча маблағлар, жумладан, хорижий сармояларни жалб қилиш ҳамда табиат ва маданий қадриятлар муҳофазасига кўмаклашишдир.

Ушбу дастур доирасида ва Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти ва "ЭКОСАН-ТУР" халқаро экологик туризм маркази республикамиз бўйлаб "Туризм ва экотуризм барқарор ривожланиш мақсадида" шиори остида экофестиваллар марафонини ўтказади.

Бундан кўзланган асосий мақсад – мамлакатимизда Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни ҳамда Ўзбекистоннинг сайёҳлик, экосайёҳлик салоҳияти ва имкониятларини тарғиб қилиш, шу асосда ижтимоий-экологик вазиятни барқарорлаштиришга, қўшимча иш ўринлари ташкил қилишга, табиий ва маданий бойликларимизни сақлаш ва муҳофаза қилишга хизмат қилувчи экологик туризмни ривожлантириш ҳисобланади.

**Абдураззоқ КАРИМОВ**

# SPORT OLAMIDA

## Муддат маълум, рақиб ҳам...

***Бир вақтлар ўзининг рингдаги ажойиб ҳаракатлари билан мухлислар олқишига сазовор бўлган Янги зеландиялик боксчи Девид Туа 26 июл куни навбатдаги жангини ўтказади.***

Унга рақиб сифатида АҚШлик Эдвард Гутиеррез танланган.



40 ёшли бу боксчи ҳозирча 18 бор рингга кўтарилиб, шундан 15 жангни ўз фойдасига ҳал қилган. Эслатиб ўтамиз, мазкур "муштлашув"ларни у биринчи оғир вазн тоифасида ўтказганди. Девид Туанинг супероғир вазнда жангларда иштирок этиши мухлисларга яхши маълум.

## "Тўпаланг" ғалаба қозонди

***Футбол бўйича олий лига жамоалари танаффусга чиқиб кетган бир вақтда 10-турнинг қолдирилган учрашуви ўтказилди. Унда Муборакнинг "Машъал" клуби Сариосиёда "Тўпаланг"га қарши майдонда саф тортди.***

Гарчи ўйин аввалида "Машъал" фаворит сифатида эътироф этилган бўлса-да, майдонда устунлик мезбонлар томонида бўлди. Минглаб мухлислари кўз ўнгида тўп сурган сариосиёлик футболчилар номдор рақибларига қарши муносиб ҳаракат қилиб, икки тўп киритишга муваффақ бўлишди. Голлар Александр Востриков ва Темур Мирзаевлар томонидан дарвозага йўлланди. "Машъал" ушбу мағлубиятдан сўнг турнир жадвалидаги учинчи ўринни "Нефтчи"га бўшатиб беришга мажбур бўлди.

## Франция "дубл"га эришадими?

***Германия яшил майдонларида ўтаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди.***

Франция терма жамоаси Португалияни мағлубиятга учратди ва саккиз йил олдинги натижани такрорлаш учун яхшигина имко-



ният ҳосил қилди. Шу тариқа Португалияга қарши ўтган ярим финал учрашувида Зиданнинг 33-дақиқада пенальтидан киритган голи Францияни финалга олиб чиқди. Финал учрашувидан ташқари учинчи ўрин учун ҳам ўйин бўлиб ўтади. Унда мезбон Германия ва Португалия терма жамоалари яшил майдонда ўзаро ҳисоб-китоб қилишади.

Фарангларнинг финалдаги рақиби Италия терма жамоаси ҳам анойилардан эмас. Марчелло Липпи етакчилигидаги Италия терма



жамоаси Австралия, Украина ва Германияни плей-оффда мағлубиятга учрата олди.

Статистика маълумотларига эътибор қаратсак, Франция 1998 йил жаҳон чемпионлигини қўлга киритгани гувоҳи бўламиз. Италия эса 1934, 1938 ва 1982 йиллардаги мундиал ғолиби бўлган.

Нима бўлганда ҳам 9 июл ҳаммасига ойдинлик киритади. Ваҳоланки, кубокка эгалик қилишга италияликлар ҳам, францияликлар ҳам юз фоиз ҳақли.

## Калдероннинг лафзи

***Италиялик мутахассис Фабио Капелло "Реал" клубига мураббийлик қилишга розилик берди, дея хабар беради AFP.***



Клуб расмий сайтидаги маълумотда "Реал"нинг навбатдаги мураббийи Фабио Капелло бўлади ва у тезда Мадридга етиб келади", деб ёзилган.

Эслатиб ўтамиз, бундан 10 йил муқаддам (1996-1997 йиллардаги мавсумда) Капелло "Реал"да ишлаганди ва ўшанда у "Қироллик клуби" билан Испания чемпионлигини қўлга киритганди. Испания ОАВда пайдо бўлган маълумотларга кўра, жамоанинг янги устози Мамаду Диарра ("Лион"), Эмерсон ("Ювентус"), Франсеск Фабрегас ("Арсенал") "Реал"да тўп суриши учун қўлидан келган барча ишларни қилишини айтиб ўтган.

## Диляра мусобақани тарк этди

***Англияда ўтаётган Уимблдон теннис турнири жуфтлик баҳсларида ҳамюртимиз Диляра Саидхўжаева ҳам иштирок этмоқда.***



Иккинчи даврага йўлланма берувчи баҳсда россиялик Майя Гаверова ва Диляра Саидхўжаева россиялик жуфтлик Алиса Клебанова ҳамда Анастасия Павлюченковаларга имкониятни бой бериб, мусобақани тарк этди. Беллашув сетлар бўйича 6:4, 6:2 ҳисоби билан якунланди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

# Асра сарв қоматинг...

(Боши 1-бетда)

Ривоят қилишларича, халифа Хорун ар Рашид одамлар қандай яшаётганини билиш учун тез-тез оддий кийимда кўчалар ва бозорларни айланиб юраркан. У бир қассоб ва онахоннинг савдо қилаётганининг гувоҳ бўлибди:

Онахон "Қўзичоғим йигирма танга" деса, қассоб "Ўн икки кило гўшти ва икки ярим кило ёғи бор, баҳоси ўн беш танга", дермиш. Халифа мулозимларига шу қўзичоқни сотиб олиб



сўйишни буюрибди. Қарасаки, қассобнинг гапи тўғри. Уни чақиртириб, яна бир синаб кўрибди, ўша ҳол такрорланибди. Халифа уни ёнига чақириб, диний ва дунёвий илмлардан сўраб кўрибди, лекин қассоб бу борада ожизлик қилибди. Халифанинг жаҳли чиқиб: "Сен шундай зеҳнингни увол қилибсан, одамларга ибрат бўлиши учун жума куни дорга тортинг", дебди. Эртасига халифанинг ёнига икки йигит келиб: "Илтимос, билимимизни синаб кўринг", дебди. Халифа уларни синаб кўриб хурсанд бўлибди. Шунда улар: "Агар илмимиздан кўнглингиз тўлган бўлса, отамизни озод қилсангиз, бу хато отамиздан эмас, отамизнинг отасидан ўтган, - дебди. - Чунки отамиз ўзи ўқимаган бўлса ҳам, бизнинг илм олишимиз учун ҳамма шароитни яратиб берди". Халифа ўйланиб қолибди-да: "Эй вазир, ўрнингга бу бола вазир бўлсин, отасини қўйиб юбориб, бувасининг қабрига қирқ дарра уринг, токи келажак авлод бизнинг қабримиз устига ҳам дарра кўтариб келмасин", дебди.

Демак, гап тарбияда. Афсуски, баъзан тарбия берувчиларнинг ўзлари тарбияга муҳтожлигини ҳам кузатиб қоласиз. Қизиқ, у ҳам кимнидир суюкли қизи, кимнидир синглиси, кимнидир суйган ёри.

Табиатнинг энг гўзал фасли баҳор билан аёлларимизнинг қандайдир ўхшашлиги, уйғунлиги бор. Улар ҳаётимиз гуллари. Азиз онажонларимиз, мўътабар опа-сингилларимиз, суюкли қизларимиз билан ҳаётимиз файзли, кунларимиз маъноли.

Ҳозирги кунда айрим ёшларнинг ўта маданий кийиниши, калта юбка, тиззаси кесилган тор шимда (тепа қисми тўрт энлик), негадир кофтасининг бел қисмини очиб юришига ҳамма кўникиб кетгандай. Бу уларнинг кейинги ҳаётига таъсир қилмасмикин, деган ўй кечади кўнгилдан. Ажабо, бу тарзда қайси она қизини отасининг олдидан ўқишга ёки ишга чиқариб юборар экан, дейсиз. Оналик масъулияти бу — болаларни соғлом, билимли, жисмоний ва маънавий баркамол инсон бўлиб етишишига эришиш эмасми?! Неча асрларки, аёлларимиз қизларини оқ ювиб, оқ тараб, тарбияда камолга етказишни ўзларининг шарафли бурчи деб билишган. Уларни севимли ёр, ишбилармон бека, меҳрибон она қилиб тайёрлаганлар.

Бир шифокор дўстимнинг айтишича, инсон маълум вақтгача ўсиб боради, қизлар тос суяги ўғил болаларникига қараганда мураккаброқ экан, тор шим шу аъзонинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатар ва бу келажакда ёмон оқибатларга олиб келаркан. Балки аждодларимиз, кекса момоларимиз ҳам ана шу жиҳатларни яхши билишгандир. Қизларимиз ўзини қадрлашса, сарвдек қадди-қомати, нозик вужудларини асраб-авайлашса, деймиз.

**Олим СУЛТОНОВ,**
**Республика "Маънавият ва маърифат" маркази масъул ходими.**

Ширкат ва фермер хўжаликлари, "Қишлоқхўжаликкимё", ўсимликларни ҳимоя қилиш идоралари раҳбарлари диққатига!

Ғўза ғовламасин, серҳосил бўлсин десангиз, кимёвий чеканка учун ПИКС® дан фойдаланинг!



Германиянинг BASF компанияси томонидан ишлаб чиқариладиган ПИКС® препарати ўсимлик, шу жумладан, ғўзанинг ғовлаб кетмай, калта бўғин бўлиб, энг мақбул тарзда ўсишини таъминлайди.

ПИКС® нинг сувдаги аралашмасини пуркаш чеканка қилишга ҳожат қолдирмайди, кўсакнинг тезроқ пишиб етилишига шароит туғдиради, ҳосилдорликни 3-4 центнерга оширади.

Ўзбекистонда қўлланишга рухсат этилган "ПИКС"® препаратини Тошкентдаги ташкилотдан банк орқали маблағ ўтказиш йўли билан сотиб олишингиз мумкин. Тел.: 54-18-79; 54-82-50; 326-07-19.




Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2005 йил 14 сентябрдаги 10-0507/8452 сонли ва 2006 йил 2 июндаги 10-0618/5077 сонли ҳал қилув қарорларига асосан Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 19-уйда жойлашган 2 қаватли маъмурий бинонинг 1-қавати бўйича "STEDI" масъулияти чекланган жамиятига Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан берилган 5-134/2004 рақамли бино кадастр ҳужжатлари ва № 2197572417 рақамли ер кадастр ҳужжатлари бекор қилинди.

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за № 1127-1 от 18.04.2005 г. ООО "SART AMINOT" раскрывает информацию о намерении приобрести 140 000 (Сто сорок тысяч) штук простые именные безналичные акции ОАО "ANGREN NON VA NON MAXSULOTLARI I/Ch" Таш.обл. расположенного по адресу: Таш.обл. г.Ангрен, ул.Ахангаранская, хлебзавод, что составляет 24,666 % от Уставного фонда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати вазирлик ходими Илҳом Араловга падари бузруквори

**ДАМИН ОТА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбек ипаги" уюшмаси жамоаси "Ipakimpex" ташқи савдо фирмаси Бош директори Нуриддин Давлановга волидаи муҳтарамаси

**ОҚҚИЗ АЯ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат Аграр университети жамоаси "Мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик" кафедраси доценти Наждат Енилеевга отаси

**Шавкат ЕНИЛЕЕВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Шокир Саидовга онаси

**Зарбия ая САИДОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ғўза уруғчилиги республика маркази жамоаси Бухоро вилояти ғўза уруғчилиги бирлашмаси раиси Амрилло Назаровга қизи

**СИТОРА**нинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Ўктам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ⓗ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Ф.АБИЛОВ
Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ
Бош мусаҳҳиҳ: Ҳ.ТОШХЎЖАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-919, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00 Адади -14282

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6